

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2020 йил июль ойининг 9 куни жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси К.Р.Муродов, судья ёрдамчиси А.Алиқуловнинг котиблигида, тарафлардан Денов туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Мустафақулов, судланувчи РСЧ ва унинг ҳимоячиси адвокат У.Алланазаровнинг иштирокида, РСЧга оид 1905-2001/165-сонли жиноят ишини кўрди.

РСЧ, 1977 йил 24 июнь куни Денов туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини мукаммал билади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, мукаддам судланмаган, оилали, 4 нафар фарзанди бор, ишламайди, Денов туманида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини, тарафларнинг музокара нутқларини ҳамда судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, уни жиноят иши бўйича тўпланган далиллар билан солиштириб таҳлил қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи РСЧ, ўзининг яшаш уйи томорқасида узум кўчатлари орасига 1,5x1,5 кв/метр ҳажмда бўлган жами 10 дона махсус ковланган чукурлар ичига 10 туп таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини экиб, парваришлаб келаётганлиги 2020 йил 21 май куни соат 13:00 да Вилоят ИИБ ТЭҚКБ Т ва ЧХТБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори 2020” тадбири давомида аниқланиб, “наша” гиёҳвандлик ўсимлиги холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Сурхондарё вилоят ИИБ ЭКБнинг 2020 йил 22 майдаги 151-сонли хулосасида РСЧни яшаш уйдан олинган ўзига хос ҳидга эга бўлган 10 туп марказий пояга эга бўлган ўсимлик таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган ўсимликлар турига кириши ва “наша” гиёҳвандлик ўсимлиги эканлиги кўрсатилган.

Суд-наркология экспертизасининг 2020 йил 2 июндаги 138-сонли хулосасида РСЧ “наркомания наша” билан касалланганлиги, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллаб, мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эканлиги кўрсатилган.

Судда сўралган судланувчи РСЧ, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2020 йил 21 май куни соат 13:00 да яшаш уйига фуқаролик кийимидаги ўзларини



ИИБ ходимлари деб таништирган шахслар келишиб, “Қорадори 2020” тадбири ўтказилаётгани, уйини кўздан кечириш лозимлиги, уйда гиёҳвандлик ўсимликлар бор ёки йўқлигини сўрашганида у ихтиёрий равишда яшаш уйи узум боғини ичида экиб парваришлаб келаётган 10 туп “наша” гиёҳвандлик ўсимликларини кўрсатгани, сўнг ИИБ ходимлари тегишли тартибда расмийлаштириб олишгани, ушбу ўсимликни 2020 йил апрель ойининг бошларида эккани, уни сотиш нияти бўлмагани, ўз истеъмоли учун эккани, бундан оила аъзоларини хабари бўлмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ Г.Қурбонова, РСЧ турмуш ўртоғи бўлиши, 2020 йил 21 май куни ўз ишлари билан шуғулланиб турганида ўзларини ИИБ ходимлари деб таништирган шахслар келишиб, турмуш ўртоғидан “Қорадори 2020” тадбири ўтказилаётганлигини айтишиб, ундан “наша” гиёҳвандлик зсимлигини қаерда экканлигини сўрашганида турмуш ўртоғи 10 туп гиёҳвандлик ўсимлигини ихтиёрий топширгани, турмуш ўртоғини ушбу гиёҳвандлик ўсимлигини экканидан хабари бўлмагани, ИИБ ходимлари томонидан ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмагани ҳақида кўрсатув берди.

Суд, судланувчи РСЧнинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг тўлиқ кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ж.Атаев, А.Сафаровларнинг кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш, илова қилинган фотожадваллар, пушаймонлик аризаси, судга оид криминалистика экспертиза хулосаси, судга оид наркология экспертизаси далолатномаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиғини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи РСЧнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, РСЧнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топишни, жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи РСЧга жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, гиёҳвандлик ўсимлигининг миқдорини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, иш бўйича қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган ҳамда ҳозирги кунда ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасига 0011899-сонли квитанцияга асосан сақланаётган 10 туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини см қонуний кучга киргач йўқ қилишни лозим топди.



Суд, суд-наркологик экспертизасининг 2020 йил 2 июндаги 138-сонли далолатномасидаги РСЧ “наркомания наша” касаллиги билан касалланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан мажбурий тиббий даволантириш белгиланиши ва уни муассасага жойлаштиришни Денов туман ички ишлар органи зиммасига юклашни лозим топди.

Суд, тергов ҳаракатлари тасвирга туширилган 1 дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашликни лозим топди.

Юқоридагиларга биноан суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 454-457, 462, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб, суд ҳукм қилди

Ҳ У К М:

Судланувчи РСЧ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи РСЧга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва унинг сутканинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

Судланувчи РСЧнинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик каби қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

Жазо муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Денов туман ИИО ФМБ ЖИЭИ зиммасига юклатилсин.

Судланувчи РСЧга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган ҳамда ҳозирги кунда ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасида 0011899-сонли квитанцияга асосан сақланаётган 10 (ўн) туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлиги ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Судланувчи РСЧга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан “наркомания наша” касаллиги билан мажбурий тиббий даволаш белгилансин ва уни муассасага жойлаштириш Денов туман ички ишлар органи зиммасига юклатилсин.

Тергов ҳаракатлари тасвирга туширилган 1 (бир) дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Денов туман суди орқали Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясига, апелляция шикоят билдирмаган тақдирда ҳукм қонуний кучга киргандан кейин кассация тартибида шикоят, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.



Раислик қилувчи:

(имзо)

К.Р.Муродов

Хукм аслига тўғри:

К.Р.Муродов

Хужжат имзоланган: Муродов Камолитдин Равшанович, 09.07.2020

